



№ 33
2020-yil, 23-sentabr
Chorshanba (32.628)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 75-СЕССИЯСИ ИШИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 сентябрь кун Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси етмиш бешинчи юбилей сессиясининг юқори даражадаги умумсий мунозараларида иштирок этади.

Бош Ассамблеянинг марказий тадбирлари жаҳонда вужудга келган эпидемиологик вазият муносабати билан БМТ тарихида ilk бор видеоанжуман шаклида бўлиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари сессиянинг ялпи қисмида сўзга чиқиб, халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини тақдим этади ҳамда Ўзбекистонни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб беради.

Муҳокамаларнинг асосий мавзусини ҳисобга олиб, коронавирус пандемиясига қарши биргаликда курашиш ва касаллик тарқалишининг салбий оқибатларини енгиб ўтиш масалаларига тўхталиб ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти минтақада ва глобал миқёсда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиёт, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, конструктив мулоқотни кенгайтириш, шунингдек, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси, қашшоқликка барҳам бериш ва камбағалликни қисқартириш масалалари каби замонавий хатар ва таҳдидларга қарши қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари суриши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ҳам қатор муҳим тақдир қилган.

Уларни амалга ошириш доирасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари мунтазам ўтказилмоқда. Хусусан, иккинчи шундай учрашув ўтган йили ноябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

2018 йил март ойида пойтахтимизда Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференция муваффақиятли ташкил этилди, унинг якунида афғонлараро тинчлик музокараларини бошлаш бўйича ўзига хос "йўл харитаси"га айланган декларация қабул қилинган эди.

Ушбунинг декабрь ойида эса БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюцияси қабул қилинди.

Бугунги кунда БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси лойиҳасини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу конвенциянинг долзарблиги жорий йил август ойида ўтган "Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" Самарқанд форумининг халқаро иштирокчилари томонидан яна бир бор қайд этилди.

Икки йил аввал ташкил этилган Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик асосидаги Траст фонди амалий фаолият кўрсатмоқда.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган барча ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

(ЎЗА сайтидан олинди.)



МАНФААТЛАР Тўқнашуви ҳар бир соҳада янгилик яратишга туртки бўлади



ТУҒИЛГАН
КҮН
ТАДБИРИ
ТҮРТ
КИШИНING
УМРИГА
ЗОМИН
БҮЛДИ

БИР ГУРУХ ФВВ ХОДИМЛАРИ "МЕХР-САХОВАТ" КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Бугунги кунда бутун инсоният қатори кўп миллатли халқимиз ҳам коронавирус пандемияси сабаб оғир синов ва қийинчиликларга қарши матонат билан курашмоқда.

Ушбу улкан офатнинг мамлакатимиз ҳаётига салбий таъсирини юмшатиш, фуқаролар саломатлигини асраш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлатимиз томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар самарасини бермоқда.

Мана шундай мураккаб ва таҳликали вазиятда мард ва жасур, олижаноб халқимиз янада жипслашиб, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби юксак инсоний фазилатлар соҳиб эканлини яна бир бор амалда намойён этмоқда.

Уларни муносиб тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 августдаги "Меҳр-саховат" кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғри-



сида"ги фармони билан соғлиқни сақлаш соҳасининг жонкуяр вакиллари, саховатли тадбиркорлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг фидойи ходимлари ҳамда бошқа ташаббускор ва фаол фуқаролар "Меҳр-саховат" кўкрак

нишони билан мукофотланиши белгиланган эди.

Мамлакатимизда пандемия ҳамда табиий офат, техноген фавқуллодда вазиятларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш,

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борадаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок этаётган вазирлик ва идораларнинг ходимлари "Меҳр-саховат" кўкрак нишони билан тақдирланмоқда.

Мана шундай эзгу ишлар Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги тизимида ҳам кенг қўламда ташкил этилди. Вазирлиқнинг ҳудудий ва таркибий тузилмаларида хизмат қилаётган жонкуяр ва садоқатли ходимлари юксак мукофотга сазовор бўлди.

Республика бўйлаб ташкил этилган тантанали тадбирда Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти томонидан бир қатор ходимларга "Меҳр-саховат" кўкрак нишонлари топширилди.

ЎЗА

Қашқадарё вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Қарши шаҳрида сайёр қабул ўтказди.

Тегишли бошқарма ва ташкилотлар вакиллари, Қарши шаҳар ҳокимлиги, вилоят ва шаҳар Халқ қабулхоналари масъуллари иштирок этган тадбирда фуқаро ва тадбиркорларнинг муаммолари масалалар бўйича мунозааратлар қабул қилинди.

Ушбу мунозааратларнинг ақсарияти жойида ўз ечимини топди.



СамДу ва Невада (Рено) университетлари ҳамкорликни кучайтирмоқда



2020 йил 17 сентябрь кун Самарқанд давлат университетида янги ташкил этилган Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети ва АҚШнинг Невада университети (Рено) Қишлоқ хўжалиги, биотехнология ва табиий ресурслар факультети профессор-ўқитувчилари ва олимлари ўртасида виртуал конференция бўлиб ўтди. Конференцияда факультетлар ўртасида ўқув, илмий ва кадрлар алмашинуви соҳаларида ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Невада университети (Рено) томонидан факультет декани проф. Билл Пейни ва шу факультетнинг 10 га яқин етакчи олимлари конференцияда иштирок этди. Ўз навбатида, СамДу томонидан Халқаро алоқалар бўйича проректор М.Носиров бошчилигида Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети кафедра мудири ва 20 га яқин кафедра профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Конференцияда иккала факультет ва унинг кафедраларидаги ўқув ишлари ва илмий-тадқиқот йўналишлари билан конференция иштирокчилари таништирилди. Он-лайн конференция икки томон профессор-ўқитувчилари ва олимлари томонидан музокараларга бой бўлди. Конференциянинг биринчи қисмида университетлар ўртасида келгусида амалга оширилиши муҳим бўлган ҳамкорлик ишлари келишиб олинди.

Конференциянинг иккинчи қисмида Самарқанд давлат университети ва Невада университети (Рено) ҳамкорлигида чўл-яйловчилик йўналишида қўлга киритилган илмий-тадқиқот лойиҳаси ва уни амалга ошириш бошқилари муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳа АҚШнинг Ўрмон Хизмати вазирлиги томонидан молиялаштирилган.

Ҳудудлар	Қайд этилиши	Соғайганлар	Ҳисса	В.э.
Қорақалпоғистон Респ.	497	465	94%	6
Андижон вилояти	1446	1334	92%	2
Бухоро вилояти	1133	1088	96%	8
Жиззах вилояти	201	176	88%	7
Қашқадарё вилояти	1076	1005	93%	13
Навоий вилояти	537	508	95%	6
Наманган вилояти	1460	1297	89%	5
Самарқанд вилояти	2026	1881	93%	6
Сирдарё вилояти	796	750	94%	2
Сурхондарё вилояти	679	642	95%	8
Фарғона вилояти	379	366	97%	1
Хоразм вилояти	559	517	92%	2
Тошкент вилояти	9761	9210	94%	67
Тошкент шаҳри	31709	29367	93%	305
Жами:	52259	48606	93%	438

Ижтимоий ҳимоя эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун қулай муҳит ҳамда шароит яратиш орқали бутун жамият ҳаётини яхшилашга ҳисса қўшади.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ

ҳар бир соҳада янгилик яратишга туртки бўлади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида вазирлик, ташкилотлардан таклиф этилган экспертлар ҳам иштирок этди.

Дастлаб депутатлар “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 381-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасики биринчи ўқишда муҳокама этишди.


Мазкур қонун лойиҳасида аукционга қўйиладиган ер қазри участкаси майдонининг ҳозирдаги 1 гектар чекловини 5 гектаргача ошириш таклиф этилмоқда. Бу қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти билан шугулланаётган жисмоний ва юридик шахсларга янада қулайлик яратилишига, ушбу фаолият турини янада такомиллаштириб боришига хизмат қилади. Ўз фикр ҳамда таклифларини билдирган фракция аъзолари мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлади.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини тасдиқлаш ҳақидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори тўғрисидаги масала ҳам депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

Зухра ШОДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Қайд этиш кераки, иқтисодиётдаги ислохотлар, ўзгаришлар ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритиш, улардан оқилона фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масалага айланди. Соҳага алоқадор масалаларни ҳал этиш, унга замонавий фаолият турларини сингдириб бориш мақсадида чора-тадбирлар олиб борилапти.

Хусусан, Президент фармони билан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси негизда Республика Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилиб, янги агентликнинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини бугунги талаблар даражасида тартибга солиш, ер нazorатини амалга оширишда бу фармон муҳим аҳамиятга эга. Айтилик, ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини ҳойлаштириш, ер нazorатини амалга ошириш вазифаларининг ягона оранда



Елена БАБЕНКО, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Утган йилларда ҳам Халқ демократик партияси фаоллари, барча даражадаги депутатлар Давлат дастури лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасида фаол иштирок этиб, таклиф ва мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлди. Хусусан, партия Сайловолди дастурига мувофиқ, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш долзарб масала. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатлари ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қатор таклифлар дастурдан ўрин олди. Муҳими, бу борада қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Белгиланган ушбу вазифалар ва уларнинг ижроси эса партия электорати манфаатларига хизмат қилмоқда.

Бундан буён ҳам бу борадаги ишларимизни янада жонлантиришимиз талаб этилади. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясини 2021 йилда амалга оширишга оид Давлат дастурига ҳам партия сайловолди дастурида илгари сурилган масалалар билан беvosита боғлиқ, электорат манфаатларига дахлдор ҳар бир масала юзасидан аниқ ва асосли таклифлар бериш зарур. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид вазифалар, уларнинг ижросини таъминлашда парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳамда жамоатчилик назорати ролини кучайтириш бўйича таклифларимиз бор. Уларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўриш ҳақида мулоҳазаларимизни билдирдик. Мазкур таклифлар ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун қулай муҳит ҳамда шароит яратиш орқали бутун жамият ҳаётини яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

ХДП фракцияси аъзолари таклифлар тайёрлашда ижтимоий вакиллик ҳокимиятининг таъсир кучини ошириш, ижтимоий соҳадаги ислохотларни янада жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратадиган бўлди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

ТУГИЛГАН КУН ТАДБИРИ ТЎРТ КИШИНИНГ УМРИГА ЗОМИН БЎЛДИ

Ҳар гал бирор мақолага қўл уришдан олдин танланган мавзу ҳақида изланаман, янги сўз топишга ҳаракат қиламан. Лекин бу сафар кўп марта айтилаётган, қайта-қайта таъкидланаётган масалага тўхталмоқчиман. Кўринмас душман қаршисида инсоният ҳамон ожиз қоляпти. Атрофимизда содир бўлаётган воқеалар, яқингинамиздаги даҳшатлардан негадир ҳали-ҳамон хулоса чиқариб ололмаётганимиз ачинарли.



Юртимизда COVID-19 инфекцияси илк бор тасдиқланганига мана 6 ойдан ошди. Утган кунлар давомида биз билган ва билмаган қўллаб инсонларни ҳаётдан олиб кетган вирус орамизда борлигига ҳануз шубҳа билан қарайдиганлар оз эмас. Давлат раҳбари, мутахассислар, тиббиёт олимлари, ижро ҳокимияти аҳоли ҳаётини асраб қолиш, иқтисодий аҳволни яхшилаш, инқироздан энг кам талафот билан чиқиб олиши учун жон-жаҳди билан курашаётган бир пайтда биз — одамлар нималар билан овора бўлаяпмиз? Пандемик вазият сабаб ўрнатилган карантин талабларига белсандлик билан қараш, жорий этилаётган энгилликларни нотўғри талқин қилиш, хасталикни менсимасликнинг аянчли оқибатлари ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўраяпмизми?

Яқинда бир узокроқ қариндошим 60 ёшга тўлди. Бу шунчаки ракам эмас. Унинг ортида не-не бедор тунлар, ҳасрату ташвишлар, оқарган сочлар, юзларда эса йиллар суруни солган излар бор, албатта. Аммо бугунги шароитдан келиб чиқиб, бу кўтлуг ёшни оилавий дастурхон атрофида нишонлаш, Яратганга шукроналик айтиш ўрнига дабдабали юбилейни истаган юрак бугун уришдан тўхтаганига сиз ишонмассиз, лекин бу аччиқ ҳақиқат.

Коронавирусга қарши курашиш бўйича махсус комиссия қарорига кўра, мажбурият, зарурат юзасидан никоҳ тўйи ёки аъза маросимлари ўтказилишига рухсат берилгани барчага маълум. Туғилган кун, гап-гаштаклар, мақсадсиз банкетлар ташкил этиш кўра-била туриб ўзини ўтга отиш билан баробар. Минг афсуски, шундай ҳоллар бўляпти.

Воқеани қисқача баён қилсам. Дугоналарим, қариндош-уруғларини 60 ёшини нишонлаш маросимига таклиф қилган аёлнинг қувончи узоққа бормади. Меҳмонлар орасида тождор вирус билан касал бўлгани ҳамда 3 кундан буён ўзини яхши ҳис қилмаётганини айтган аёлнинг гапи ҳеч кимнинг диққатини тортмади. Ўйин-кулгу авжига чиққан пайтда на карантин талаблари, на санитария қоидалари эсга келди. Қарабсизки, орадан уч кун ўтиб, юбилей нишонлаган аёлнинг қўшини COVID-19нинг ўткир кўриниши билан ҳаётдан кўз юмди.

Шунда ҳам тантанани ўтказган аёл шифокор кўригидан ўтиш ҳақида ўйлаб кўрмади. 60 ёшни нишонлаган аёл ҳамда унинг меҳмонга келган қудасида ҳам вирус аломатлари пайдо бўлди. Иситма, бош ва танадаги оғриқ, ҳолсизлик, нафас олиш билан боғлиқ муаммолар аста-секин авж ола бошлади. Биз исмини ҳамда манзилини сир туттишни истаган инсон юбилейдан сўнг 21 кун ўтгача, бу ёруғ оламни тарк этди. Бунинг устига, дафн маросимига иштирок этган аёлнинг туғилган куни ҳам кўп ўтмай айнан шу кўринмас душман домига тушиб, оламдан ўтди. Бу вақт оралиғида маросимга келган бир қанча одамда касалликнинг турли даражадаги ҳолатлари кузатилди.

Куни кеча марҳуманинг қудаси билан гаплашдим. Ҳол-аҳвол сўрадим. Унинг айтишича, қудаси табиатан ғайратли, шижоатли бўлган. Унинг ўлими 3 нафар пахлавондек ўғилларни эсанкиратиб қўйган. Ота-онасидан кейин уларга тиргак бўлар, деб қутилган тоғаси ҳам вафот этганини алам-афсус билан айтди.

Телефон орқали бир неча дақиқа давом этган суҳбатимиз соатлаб чўзилгандек туюлди. Бу воқеа мен учун ҳам яна бир сабоқ вазифасини ўтади. Утган ҳафтада тўйига таклиф қилган танишимга узримни билдиришга қарор қилдим. Тинчлик ва соғлиқ бўлса, тўй-тантана, базму зиёфатлар ҳали кўп ва ҳўб давом этаверади. Фақат мураккаб вазиятда ўзимиз ҳамда атрофдагилар ҳаётини хатарга қўймайлик. Тўй-у томоша, туғилган кун, гап-гаштаклар, меҳмондорчиликлардан бугун ўзимизни тийиб турсак, нафақат саломатлигимизни, балки ҳаётимизни ҳам асраган бўламыз.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

СЕКТОР РАҚБАРЛАРИ ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР СОНINI ЯШИРЯПТИМИ?

Ҳа, шундай. Нега?..



Ўрол ЎРАЗБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Аҳоли даромадини ошириш, камбағаллиқни қисқартириш, «темир дафтар»га тушган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини иш билан таъминлаб, шу орқали уларни муҳтожликдан чиқариш чораларини кўриш ҳақида кўп гапиряпмиз. Бу, айниқса, ҳозирги пандемия шароитида кечиктириб бўлмайдиган, кун тартибидан ўрин олган асосий масалага айланади.

Шундан келиб чиқиб, карантин шароитида ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оилаларнинг маҳаллада шакллантирилган шаффоф рўйхати асосида қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб боришмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг жо-

рий йил 29 августдаги “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан тасдиқланган “2020-2021 йилларда иқтисодиёт таркибий ислохотларни тиклаш ва давом эттириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да камбағаллиқни қисқартириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига имтиёзлар бериш тамоийлилари белгилаб берилди.

Йўл харитасининг 39-бандида халқаро тажриба асосида камбағаллиқни баҳолаш мезонлари ва уни аниқлаш усулларини ўз ичига олган методологияни ишлаб чиқиш жорий йилнинг октябрь ойида, 40-бандида камбағаллиқни баҳолаш мезонлари ва уни аниқлаш усулларини ўз ичига олган методологияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда халқаро тажрибага асосланиб, Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани мисолида таҳлил этиш кўрсатиб ўтилди. 41-бандида ишлаб чиқилган методология доирасида республиканинг 5 та ҳудуди (Тошкент шаҳри, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари) мисолида апробация ўтказиш масалалари киритилди.

Албатта, биз ушбу ҳужжатни жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, бу орқали камбағаллиқни

баҳолаш мезонлари ва уни аниқлаш усулларини ишлаб чиқилади. Бу эса беvosита партия электорати манфаатларига хизмат қилади.

Президентимиз одамларнинг меҳнат қилиб, бой бўлиши ва яхши ҳаёт кечирishi учун барча шароитларни яратишимиз зарур, деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Қайд этилганидек, тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилиши, фойдаланишдан қилиб кетган ерларни камбағал аҳолига ажратиб бериш, зарур жойларда артезиан ва қудуқлар қазиб бўйича топшириқ берилган эди, лекин минг афсуски, ҳалигача кўп жойларда ишлар олдинга силжимаяпти.

Аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағаллиқни камайтириш энг асосий масала ҳисобланади. Масалан, Жиззах вилоятида бугунги кунда 295 маҳалла бор. Оилалар сони 306 456 тани ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли аҳоли 768,5 минг нафар, ишсизлар эса 57,5 минг нафардан иборат. Вилоятда “Темир дафтар”га 16 746 эҳтиёжманд оила киритилган. Бандлиқни таъминлаш орқали даромад манбаига эга бўлган 5 975 та (36 фоиз) оила халқ депутатлари шаҳар ва туманлар Кенгашлари қарорлари асосида эҳтиёжманд

оилалар рўйхатидан чиқарилган. Эҳтиёжманд оилалар яшаш манзиллари бўйича сектор ишчи гуруҳлари аъзолари томонидан жойларга чиқиб ўрганилгандан кейин “темир дафтар”га киритилиши белгиланган. Лекин аниқланган реал ҳолатларда секторлар ишчи гуруҳлари аъзолари фаолият юритмасдан, маҳалла фуқаролар йиғинларининг тавсиялари, улар томонидан берилган маълумотлар асосида сектор аъзолари, котиблари томонидан “темир дафтар”ларга киритилаётганлиги маълум бўлмоқда.

Кўп ҳудудда аҳоли вакиллари ўртасида эътироз ва норозилик ҳолатлари учраб турибди. Ҳатто Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳам фуқаролар томонидан кўп мурожаатлар бўляпти. Ҳақиқатан ҳам, айрим ҳолларда оилавий шароити ўта оғир, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор шахслар яшайдиган ёки боқувчиси йўқ оилалар ҳам “темир дафтар”ларга киритилиши қилиб кетмоқда. Секторлар раҳбарлари томонидан эҳтиёжманд оилалар сонини яшириш ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Гап нимадалиги ҳам ойдинлашапти. Эҳтиёжманд оилаларни рўйхатга олиш кейинчалик уларнинг доимий даромад манбаини яратиш вазифасини юклаши сабабли ҳам рўйхатга олинмаётган экан. Ана холос...

Камбағаллиқни камайтириш, аҳоли даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш давлат

сиёсати даражасидаги масала. Масъулиятдан қочиш, ўз вазифасига совуққонлик билан қараш бу жамиятнинг эртанги фаровон ҳаётига болта уриш дегани эмасми? Ҳимояга муҳтож оилаларни яшириб нимага эришмоқчимиз?..

Аҳолининг камбағал қатлами бандлигини таъминлашда ҳам бир қатор муаммолар юзга келмоқда. Масалан, кредит олоқчи бўлган оиларга “Ҳар бир оила тадбиркор” Давлат дастури доирасида берилаётган кредитлар фоизи юқорилик қилипти. Буни очик тан олиш керак. Кўп фуқаролар шу масалада ҳам эътироз билдирыпти.

Жиззах вилоятида йил якунига қадар 27 359 та янги ва жамоатчилик асосидаги иш ўринларини яратиш ҳисобига ишсиз ва “темир дафтар”га киритилган меҳнатга лаёқатли фуқароларни иш билан таъминлаш режалаштирилган. Чора-тадбир ишлаб чиқиш, иш ўрни яратилишини қозғошда режалаштириш билан масала ҳал бўлмайди. Ҳамма гап унинг ижросига жиддий қиришиш, юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришда. Мутасаддилар шу ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрса, мақсадга мувофиқ бўлади, албатта. Қачонки, жойларда реал вазиятга ҳаққоний баҳо бериб, уни ҳал қилиш чораларини кўрсак, шунда аниқ натижага эришилади. Акс ҳолда, қутилган ўзгариш бўлмайди, муаммолар ўз ҳолича қолаверади.

Энг муҳим конституциявий ҳуқуқлардан бири бўлган виждон эркинлиги ҳуқуқининг амалда рўёбга чиқиши фуқаролик жамиятининг маънавий-маданий ривожланганлик даражаси кўрсаткичидир.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИ



Нигора ЮСУПОВА, Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти, юридик фанлар доктори.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин маънавий ҳаётдаги янгиликлар жараёни, туб ислохотлар самараси ўлароқ — динга бўлган муносабат ҳам аслига қайтди. Собиқ совет тизимининг атеистик сиёсатига барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали кафолатланди. Давлатчилигимиз демократик ривожланиш йўлини танлади.

Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиш тамойили унинг асосини ташкил этишига аниқлик киритилди. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”.

Мазкур моддада муҳим қоидалар мустаҳкамланган. Аввало, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб боради. Қолаверса, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан ҳолидир.

Шу билан бирга, диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилгани диннинг жамиятдан холи эканини аниқлаштириш ҳам таъкидлаш зарур. Бу фуқаролик жамиятида дин ўз мавқеига эга бўлишини билдиради. Айтиш жоизки, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва халқимизнинг ҳақиқий маънавий сурати ҳамда сийратини белгилловчи фазилатларни ўзида мужассамлаштирган меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, ўзаро ёрдам, кексаларга ҳурмат, шарқона одоб-ахлоқ, шарму ҳаё

каби энг олий инсоний туйғуларнинг туб моҳиятини англаш ва кўз қорачигидек эъзозлашда айнан диний ташкилотларнинг ўрни катта.


Дин ва дунёвий давлат муносабатини белгилаб берувчи бошқа бир тамойилнинг мазмуни дин соҳасида кечаётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганишда намоён бўлади. Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи яна бир муҳим тамойил шуки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожига учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади.

Шу нуктаи назардан, бугун мамлакатимизда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси қабул қилинишининг аҳамияти кўйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, виждон эркинлиги масаласи инсоннинг ҳаётий ҳуқуқи эканидан келиб чиқиб, демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир мамлакат ўз ҳаётининг бош мезони сифатида виждон эркинлиги тамойили устуворлигини кафолатлайди. Мамлакатимизда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг тамал тоши “виждон эркинлиги” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Фуқароий эркинликлар ичида инсоннинг ички маънавий дунёсига ва унинг руҳиятига бевосита алоқадор бўлган виждон эркинлиги — умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларининг энг асосийларидан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, фуқаролик жамиятида кишилар ўртасидаги муносабатлар юксак маданий савия ва теран маънавий заминга асосланган бўлади. Муайян инсоннинг қадр-қиммати, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, самимийлик, ахлоқий поклик, инсофу адолат ва инсонпарварлик каби энг эзгу умуминсоний қадриятлар фуқаролик жамиятининг муҳим шартидир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда кечаётган давлат ва жамият қурилиши жараёнида том маънодаги виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида ургу берилмоқда.

Давлатимизнинг виждон эркинлигига муносабати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида **“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга...”**, деган қоида билан мустаҳкамлаб қўйилган. Демак, “Виждон эркинлиги” деган тушунчанинг маз-



➤ **“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга...”**

мун-моҳияти хоҳлаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқидан ташқари, ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ихтиёрини ҳам беради. Ҳар бир фуқаро ҳақли бўлган бундай ҳуқуқнинг бузилмаслиги учун мазкур модда “диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деган муҳим қоида билан ҳам тўлдирилган. Шу нуктаи назардан, ушбу меъёрларни пухта таҳлил этиш ҳам муҳимдир.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб

қўйилган давлат ва жамият қурилишининг бош мақсадларидан бири — инсон фаровонлиги таъминланган, ижтимоий адолат ва қонунийлик устуворлик қиладиган, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигига асосланган жамиятни барпо этишдир. Бу, энг аввало, юксак маънавият ва ҳурфикрлиikka асосланган, виждон эркинлиги амалда барқарор бўлган жамиятни барпо этиш демакдир. Бундай жамиятни қуриш эса, биринчи навбатда, кенг маънодаги виждон эркинлиги, жумладан, диний эътиқод эркинлигини таъминлашни тақозо этади. Конституциямизда ушбу ҳаётий масалага умумэтироф этилган демократик тамойиллардан келиб чиқиб ёндашилган.

Тўртинчидан, том маънода виждон эркинлиги ҳуқуқини кафолатлаш ва амалда таъминлаш учун Ўзбекистонда тўлақонли ҳуқуқий тизим яратилиши ўта муҳим масала ҳисобланади. Негаки, юқорида ҳам таъкидланганидек, “Виждон эркинлиги” фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслиги кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Шу маънода, ҳуқуқий категория сифатида виждон эркинлиги, бир томондан, эътиқод эркинлигини, иккинчи томондан эса, ҳеч

бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини ифода этади.

Ахлоқий нуктаи назардан, виждон эркинлиги бу муайян инсоннинг фикрлаш тарзи ва шахсий, маънавий эътиқодида мос хатти-ҳаракат қилиш ҳуқуқидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай демократик ривожланиш йўлини танлаган давлат виждон эркинлигини ҳуқуқий кафолатлаш ва амалда таъминлаш тадбирларини рўёбга чиқариш билан бир қаторда, қонун устуворлиги масалаларини ҳам олий даражада рўёбга чиқаришга интилади. Қонун устуворлиги энг олий мезон бўлган фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзоси ушбу қонуний талабга тўғри муносабатда бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этишга ҳисса қўшиши лозим. Чунки энг муҳим конституциявий ҳуқуқлардан бири бўлган виждон эркинлиги ҳуқуқининг амалда рўёбга чиқиши фуқаролик жамиятининг маънавий-маданий ривожланганлик даражаси кўрсаткичи сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, бугунги кунда янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, унда кўзда тутилган асосий янгиллик ва ўзгаришлар моҳиятини юқоридаги омиллар нуктаи назаридан тушуниш, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

ТАДБИР

Бир ходим лавозимидан озод этилди, саккиз нафарига интизомий чоралар кўрилди

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари полковник Рустам Хатамов ички ишлар органларида шахсий таркиб билан ишлаш борасида жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди.



Ички ишлар органлари кадрлар бўлинмаларининг барча ходимлари ва раҳбарларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда сўнгги 4 йилда барча соҳаларда олиб борилаётган кен қўлмали ислохотлар натижасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва янгиланишлар тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш, хизматни ўташни ташкиллаштириш, ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўналишларида амалга оширилган ишлар аҳоли, бу борада йўл қўйилган камчиликлар муҳокамаси ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар тўғрисида атрофлича сўз юритилди.

Жумладан, кадрлар билан ишлаш тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги натижасида хизмат интизоми ва қонун бузиш ҳолатлари ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги таъкидланди. Бундан ташқари, тизимдаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда, ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашган 1 нафар ходим лавозимидан озод этилди, 8 нафар ходимга нисбатан интизомий чоралар кўрилди ва 14 нафар ходим қаттиқ огоҳлантирилди.

Йиғилишда жорий йил якунига қадар амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, ички ишлар органларида кадрлар сиёсатини тўғри ва адолатли олиб бориш, тизимни халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоясига айлантириш,



ходимларни Ватанига ва касбига садоқат руҳида тарбиялаш, тараққиётнинг энг асосий тўсиқларидан бири бўлган коррупция балосига қарши кескин ва аёвсиз кураш олиб бориш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

ИИБ Ахборот хизмати.

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

УСТОЗ МАТЕМАТИК

Бўш пайтим бўлди дегунча у билан албатта учрашишга ҳаракат қиламан. Бу шунчаки кўнгул учун эмас. Унинг муомала маданияти, доно фикрлари кишига маънавий озуқа беради. У кўп гапирмайди, суҳбатдошининг фикрларини диққат билан тинглай туриб, кўзларини биров қисиб, ҳаёлга чўмади. Ҳамсуҳбати ҳаётида ҳосил бўлган туғуннинг енгил ва осон ечиладиган йўллари йўлайди. Сўнгра суҳбатдошига умидбахш маслаҳатлар беради.

Унинг ҳузурига борган, суҳбатидан баҳраманд бўлган киши албатта ўзини енгил ҳис қилади. Ҳаётнинг тор, эгри-бугри, боши берк кўчаларидан тўғри, раван ва кенг йўлга чиқиб олгандек бўлади, киши. Бугун кўпларга устоз, дўсту қадрдон инсон физика-математика фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими аълочиси Мирсаид ака Ариповнинг ҳаёт йўли ўрганишга, ибрат олишга аруғулук.

Мирсаид ака билан бу галги суҳбатимиз анча давом этди. Гап орасида унинг нуруний чеҳрасига тикилганам. У биров тўлишибди. Қўнғир сочларидаги оқ тоғалар биров қуюқлашибди. Янада салобатлироқ кўринди менга. Одатига кўра, қисқа, лўнда гапирарди. Лекин ана шу қисқа гапларда тўла маъно ва тугал мантқ толасиз.

Мирсаид ака ёшлик йилларини, илм-фан йўлидаги захматли изланишларини ёдга олди: — Болалигимиз оғир йилларда ўтган, — деди у бир нуктага тикилганча. — Эски синдан, гувала билан кўтарилган уйда, укаларим билан чўғ солинган сандал атрофида чуғурлашиб ўтирардик. Алишер Навоийнинг араб алифбосида ёзилган “Саҳди Искандарий”, “Ҳайратул абдор” каби мумтоз асарларини буюм ўқиб берадиклар. У пайтларда телевизор тушимизга ҳам кирмаган. 1953 йилда Бўстонлиқ туманида саккиз йиллик мактабни битирган, қаерда ўқишни давом эттиришим муаммо бўлди.

— Тоғасиникига, Байқўргон қишлоғига боради, — деди отаси. Бу тақлифга онаси аввалига рози бўлмади. Кейин бундан бошқа йўл йўқлиги учун



ўғлини Қибрай туманидаги Байқўргон қишлоғига жўнатишга розилик берди.

1956 йилда Мирсаид ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, ўша йилнинг ўзида Тошкент Давлат университетининг математика факультети-га ўқишга кирди.

Нихоят талабалик йиллари ортда қолиб, ҳамма турли жойларга ишга кетди. Мирсаид эса домларнинг қистови билан университетда қолиб, илм чўққиларини эгаллаш, математика каби мураккаб фаннинг ҳам ечилмаган қанчадан-қанча муаммоларини ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшишга аҳд қилди. Ўша даврда номи нафақат Ўзбекистонда, балки дунёга машхур академиклар — Тошмухаммад Алиевич Саримсоқов, Саъди Ҳасанович Сирожи-динов каби машхур математикларга унинг ҳаваси баланд эди. Шу тўғрйли, у ўзини эндигина шаклланаётган ҳисоблаш математикасини ўзлаштиришга бағишлади. Баланд чўққиларни забт этишга бел боғлаган, рус тилини чала-чулпа билган Мирсаид Арипов 1963 йилда Россия Федерациясининг ФА Сибирь бўлимининг ҳисоблаш марказига йўл олди. Дастлаб илмий тадқиқотчи, сўнгра аспирант бўлди. У машхур илм ўчоғида 1971 йилда профессор М.А. Фегенинг илмий раҳбарлигида “Чегаравий масала

ечимлари асимптотикаларининг баъзи масалалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ана энди у ҳамма ҳавас қилса арзийдиган олим бўлди. Илмий иши етук мутахассислар томонидан тан олинди. Мирсаид Арипов деярли 32 йил мобайнида кафедра мудири вазифасини бажарди. Қанчадан-қанча истеъодларни ўзи каби билим чўққиларига етказди. Унинг раҳбарлигида 6 нафар фан доктори, 22 нафар фан номзоди, кейинги икки йилда эса 3 нафар фан доктори, 6 нафар фалсафа докторлари тайёрланди.

У ноҳизикли жараёнларни математик моделлаштириш, ахборот технологиялари, ахборотларни ҳимоялаш, ўқитиш методикаси соҳаларида тан олинган йирик мутахассис ҳисобланади. Жами 580 дан ортиқ илмий иш, 400 га яқин илмий мақолалар эълон қилди, ўқув адабиётлар, монографиялар тайёрлади. Унинг илмий натижалари танлики жаҳон математиклари томонидан эътироф этилган. Олинган илмий натижалар 50 мартадан ортиқ АҚШ, Япония, Хитой, Буюк Британия, Германия, Франция, Австрия, Белгия, Испания, Швецария, Италия ва бошқа ривожланган хоржий мамлакатларда ўтказилган математиклар конгресслари ва нуфузли илмий конференцияларда маърузачи сифатида иштирок

этан. У Америка, Европа математика, Германиянинг амалий математика ва механика жамиятлари аъзоси ва нуфузли нашр — Zentralblatt нинг рецензенти. У бир неча халқаро ва республика журналларининг таҳририят хайъати аъзоси ва тақризчисидир.

Мирсаид аканинг ёшлари бугун саксондан ошган бўлса-да ҳамон тетик, бақувват. Унинг бу табарруқ ёшга кириб, соғ-саломат, тетик юришининг сабабларидан бири — камтарлик ва оиладаги соғлом муҳитдир. У кишининг фанимиз ривожига қўшган хизматлари жуда салмоқли эканини инкор этиб бўлмайди. Катта-катта илмий унвон, орден-медаллар, мукофотлар эгаси бўлишига қарамай ҳеч қачон ўзини бошқалардан устун қўймаган. Шунинг учун ҳам у кишини билганлар борки, бирдай қадрлашади. Устознинг бир насиҳати бор: вақтнинг қадрига етиш керак. Ўтган вақтни орта қайтариб бўлмайди. Дарҳақиқат, шундай. Вақтдан унумли фойдаланган юксак марраларни эгаллайди, ҳурмат-эътибор, қадр топади. Устоз Мирсаид ака Ариповнинг ҳаёт йўли ҳам бунинг яққол мисолидир.

Мурод ТИЛЛАЕВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

Анвар Норбоевнинг саяёҳаракати билан Каттақўрғон туманида саноат ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, туман аҳолисини доимий иш ўрни билан таъминлаш бўйича катта лойиҳалар амалга оширилмоқда.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

МЕҲНАТИДАН БАРАКА ТОПИБ, ЭЛ ДУОСИНИ ОЛАЁТГАН ИНСОН



Инсон ҳаётини безайдиган, унга маъно ва мазмун бағишлайдиган жиҳатлардан бири бу — меҳнатсеварликдир. Қолаверса, изланиш, янгилик яратишга интилиш, бир жойда қотиб қолмасдан доимий ҳаракатда бўлиш, одамга моддий манфаатдорлик билан бирга ҳурмат-эътибор, шон-шўҳрат ҳам келтиради. «Каттақўрғон электротехника заводи» масъулияти чекланган жамияти директори Анвар Норбоевнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

У 1975 йил 23 апрелда Каттақўрғон туманидаги Энамхиса қишлоғида таваллуд топган. Унинг айтишича, ёшлигидан билим олишга, китоб ўқишга қизиқиш билан банд бўлиб, бунга оилавий муҳит ҳам катта таъсир ўтказган.

— Отам Очилбой Рўзиев илмни қадрлайдиган инсон, — дейди Анвар ака болалик пайтларини эслар экан. — У киши тумандаги бир қатор ташкилот ва идораларда масъул лавозимларда ишлаган. Отам шахмат ўйнашни жуда яхши қўлар эди. Уйимиз эшиги ҳар доим шахматсеварлар ва дўсту биродарларга очик эди. Айни шу муҳит туфайли менда ҳам ёшлигимдан шахматга қизиқиш уйғонди. Ана шу қизиқиш ўз навбатида, фи-

зика-математика фанига меҳр уйғотди. Мен мактабга чиққач, барча фанлардан аъло баҳоларга ўқидим. Аммо, айнан физика-математика фани мени ўзига оҳанрабодек тортарди. Болаликда инсон қизиқувчан шўх-шодон ёниб турадиган бўларкан. Уртоқларим билан бўш пайтларимизда математикадан мисоллар ечиш, шахмат ўйнаш, тиллар ўрганиш, адабиёт, бадий асарларни мутлаа қилишга вақт сарфлаганмиз. Мактабда ҳаммиса аълочи ўқувчилар сафида бўлиш меннинг асосий мақсадим эди. Дўстларим Дадахон ва Шўҳрат билан футбол, волейбол, баскетбол ўйнар эдик, шу билан бирга чарчаб ўтлар орасига ётиб олардигу, яна билимларимизни чарчлаш мақсадида топишмоқлар айтардик. Ким кўпроқ тезроқ айтиш бўйича мактабда ўқитувчимиз доим топишмоқлар ёдлар эди. Топишмоқ айтган болаларни нутқи раван, хотираси мустаҳкам бўлади деб. Ҳозир болалик хотираларини эсласам, жудаям қувониб кетаман, негаки ҳеч бекор юрмаган эканмиз. Болаликнинг унутилмас дамлари доим биз билан бирга яшайди.

Халқимизда «Бўлар бола бошидан маълум» деган ибратли гап бор. Айни бу гапнинг нечоғли ҳаётий эканини Анвар аканинг эришган ютуқлари ҳам тасдиқлайди. У университетда ҳам жуда яхши ўқигани сабабли нафақат Ўзбекистон, балки собиқ Иттифоқ микёсида ҳам таниқли бўлган бир қатор профессор-ўқитувчиларнинг эътиборига тушади. Ўқишни тамомлаётган кезларида устозлар тавсиялари билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги В.И.Романовский номидаги Математика институтига аввалига тадқиқотчи-изланувчи, кейин эса аспирантурага ўқишга қабул қилинади.

— Чин маънодаги илмий ишни қилиш ўз-ўзидан бўлмади, — дейди Анвар ака. — Бунинг учун тинимсиз изланиш керак

бўлади. Халқимиз бежизга илм олишни игна билан қудқ қазидек машаққатли ишга ўхшатмаган. Илмий ишнинг охириги йилларида менда хусусий бизнес соҳасида ўз фаолиятини бошлаш истаги пайдо бўлди. Ана шундан келиб чиқиб, 2001 йилда «Ансафхон» хусусий корхонасига техник ходим бўлиб ишга кирдим. Бу ерда 2005 йилгача ишладим, айтишим керакки, бу янги йўналишда катта тажриба туғладим. Ана шу тажрибамдан келиб чиққан ҳолда ўзимнинг мустақил бизнесини ташкил этишга қарор қилдим ва электротехника ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий корхона фаолиятини йўлга қўйдим. Бу корхона самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Корхонани ташкил қилгач, кўплаб қўшимча иш ўринлари яратдик. Хориждан замонавий дастгоҳлар олиб келиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштириш масаласига эътибор қаратдик. Бунинг

дан сотиб олинган замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бугунги кунда ушбу корхонада 70 нафар киши доимий иш билан таъминланган, узлуксиз иш фаолияти йўлга қўйилган.

Шуни айтиш лозимки, ҳозирда электротехника маҳсулотлари талаб борган сари ортиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай юксак эътибор Анвар Норбоевнинг фаолиятини янада кенгайтириш учун рағбат вазифасини ўтамоқда.

— Ўзим туғилиб ўсган Каттақўрғонда ҳам тадбиркорликни йўлга қўйиш, янги иш ўринларини яратиш, одамларни иш билан таъминлаш меннинг асосий мақсадларимдан бири эди, — дейди Анвар ака. — Шу мақсадда «Каттақўрғон электротехника заводи» МЧЖни ташкил этдик. Хориждан



ган бўлиб, уларда шу туманда яшовчи 80-100 нафар киши мавсумий иш билан таъминланган.

Анвар Норбоев ёш авлодни тарбиялаш, улар билим олиши учун шарт-шароитларни яратиш борасидаги хайрли

берилаяпти. Бундан жуда миннатдор бўлиш билан чекланмай, муносиб амалий ишларни қилишимиз керак.

Мақолани тайёрлаш жараёнида у кишининг яқинларидан яна бир хабарни эшитиб, жуда қувондик. Айтишларича, Анвар ака бугунги пандемия шароитида ўз ташаббуси билан 5 та кам таъминланган, боқувчиси йўқ ночор оилга моддий ёрдам кўрсатибди ва 6 нафар талабанинг ўқиши учун шартнома-контракт пулини ҳам тўлаб берибди.

У ҳақда одамлардан фикр сўрасангиз, ишбилармонлигини эътироф этиш баробарида қўли очиклиги, бағрикентлигини айтиб, дуо қилишади.

Ўзининг ҳалол меҳнатидан барака топаётган, хайрли ишлари билан ҳурмат-иззатга сазовор бўлиб, элнинг дуосини олаётган Анвар ака Норбоев ҳақида ўйлаётимиз, кўнгилга бир тилак келади: Ана шундай ҳамюртларимиз кўпаяверсин, уларнинг орзу-ниятлари амалга ошаверсин.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



учун эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига эътибор берган ҳолда уларнинг турларини янада кўпайтиришни ҳам мақсад қилганмиз.

Анвар Норбоев раҳбарлигида «STANDART ELEKTRO TEXNIKA» номи ушбу корхона аввалига ижарадаги бинода, бир неча асбоб-ускуналар ҳамда 5-6 нафар ишчи билан ўз фаолиятини бошлаган. Айнан корхона раҳбарининг гайрат-шижоати, ишларни иқтисодий жиҳатдан кўпайтиришга қўйилган ҳақда ташкил этиши туфайли корхонанинг «техник» ва молиявий имкониятлари кенгайиб борди. Бунинг натижасида эса пойтахтимизнинг саноат ишлаб чиқариши кенг ривожланган Олмазор туманидан алоҳида ер сотиб олинди ва янги биналар қурилиб, хориж-

келтирилган замонавий ишлаб чиқариш линияларини ўрнатиб, дастлаб 40 нафар янги иш ўрни яратдик. Айни пайтда ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтириш учун тинимсиз ҳаракат қилмоқдамиз. Келгусида иш кўламининг кенгайиши ҳисобига яна 300 та янги иш ўрни яратишни режалаштирганмиз.

Бугунги кунда Анвар Норбоевнинг саяёҳаракати билан Каттақўрғон туманида саноат ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, туман аҳолисини доимий иш ўрни билан таъминлаш бўйича катта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бевоқсита у кишининг ташаббуси билан туманда «Каттақўрғон монтаж қурилиш» МЧЖ ва «STANDART INTER TRADE» МЧЖ каби корхоналар ҳам ташкил этил-

ишларга ҳам муносиб ҳисса қўишни мақсад қилган. Гап шундаки, у ўзи туғилиб ўсган қишлоғида 250 нафар болани ўз бағрига оладиган хусусий боғчани бунёд этмоқда, яқин кунларда бу боғча фаолият бошлаши билан қишлоқ аҳолисининг фарзандларига замонавий таълим-тарбия бериш имконияти янада кенгайди, 50 киши доимий иш билан таъминланади.

— Айни пайтда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни чет элга экспорт қилиш бўйича жиддий изланишларимиз, — дейди Анвар ака. — Ҳозирда ташқи бозорни ўрганган ҳолда чет эллик ҳамкорлар билан музокара олиб бораёلمиз. Мухтарам Президентимиз томонидан биз, тадбиркорларга барча шароитлар яратиб



Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилишида Россия иштирок этишга тайёр

Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳасида Россиянинг иштирок этиши масаласида олий даражада келишувга эришилди.

Айни дамда уч мамлакат ва Россия иштирокида 3+1 форматда фаол музокара олиб боришмоқда.

Бу ҳақда Қирғизистон пре-

зиденти Сооронбай Жээнбеков давлатга тегишли «Биринчи радио»га берган навбатдаги интервьюсида маълум қилди.

Маълумот ўрнида, темир йўл лойиҳа гоёси 2000 йиллар бошида илгари сурилган эди.

Аввалроқ, 2017 йилда Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилиши бўйича уч томонлама ишчи гуруҳи тузилган.

ни, уни ҳаётга татбиқ этишнинг учта турли вариантлари қўриб чиқилаётгани айтилган эди.

Қирғизистон президенти ўз интервьюсида, шунингдек, Россия ташқи ишлар вазир Сергей Лавров бу масала бўйича Хитой билан ҳам музокара олиб борилаётганини тасдиқлаган.

ЎЗА



Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлими бошлиғи Боймурод ЮСУПОВга онаси ИРИС аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси Хитойшунослик факультети декани, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Озоджон Очиловга отаси Марди ОЧИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Ulug'bek VAFOYEV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Mahmud TOIR

Muslihiddin MUHIDDINOV

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 951. 1879 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni —
Topshirilgan vaqti — 20:45.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardamбек SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6